



## Фракция фаолияти

# «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар белгилаб олинди



Давлат дастурида аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланганидан, аввало, партиямиз электорати манфаат кўришини ҳисобга олсак, бу борада фракциямиз зиммасида катта масъулият турганлиги аён бўлади.

Президентимизнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг мазмун-моҳияти, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича таҳлил қилинди. Фракция олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Давлат дастури ижросини таъминлашда фракция аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Депутатлар, аввало, жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши, шу муносабат билан Президентимизнинг яқинда қабул қилинган тегишли Қарори кенг жамоатчилик, айниқса, ижтимоий йўналтирилган ислохотлар тарафдори бўлган ЎзХДП электорати вакиллари томонидан катта маъмуният билан қўллаб-қувватланаётганини таъкидлашди.

▶ Давоми 2-бетда.

## ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

### Хотин-қизлар манфаати

ҳимояси биз учун устувор вазифа

— Аёл ижтимоий-сиёсий ҳижатдан фаол бўлса, нафақат оилада, балки жамиятда ҳам алоҳида мавқега эга бўлади, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Данғара туман бўлими етакчиси Оқибатхон Саидбоева Фарғона вилоят партия кенгаши томонидан «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий ва касбий малакасини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда.

— Унинг фикрича аёлнинг ижтимоий фаоллиги асосан оилага наф келтирса, сиёсий фаоллиги билан жамиятга фойдаси тегади. Шу боис хотин-қизларнинг сиёсий билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади. — Партиямиз Дастурида хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш борасида қатор вазифалар белгиланган, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Риштон туман бўлими етакчиси Дилором Назирова. — Уларни амалга ошириш эса кўп ҳижатдан бизга боғлиқ. Хотин-қизлар манфаатларига оид масалаларни изчил ўрганиш, уларни иш билан таъминлаш юзасидан муқобил таклифларни ишлаб чиқиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партиямиз гуруҳларига бериб боришимиз лозим. Ана шундай амалий ишлар билан Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига муносиб ҳисса кўшган бўламиз.

— Шу ўринда бир таклиф бермоқчиман, — деди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Қўштепа туман кенгаши етакчиси Патилахон Саидхамедова. — Ҳақиқатан ҳам хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи бугун долзарб аҳамиятга эга. Бу борадаги фаолиятимизни кўпроқ амалий тусда ташкил этишимиз керак. Масалан, қанот йиғилишларида кун тартибидеги масалага алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари билан ҳам иштироки таъминланса, кўплаб масалаларга ўз вақтида ечим топилади, деб ўйлайман.

Биз хотин-қизлар ўртасида яна бир масалани кўпроқ тарғиб қилишимиз зарур. Ҳозир солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этилишига катта имтиёзлар яратилмоқда. Бундан партиямиз электорати, хусусан, уйда ўтирган вақтинча ишсиз хотин-қизлар самарали фойдаланишига ҳаракат қилишимиз керак. Семинарда билдирилган таклифларни янада такомиллаштириш мақсадида интерфалол машғулотлар, баҳс-мунозаралар ташкил этилди. Барча фикрлар умумлаштирилиб, қанот етакчиларининг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳабибхон ЮНУСОВА, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлим муdiri.

## ЎзХДП бош мақсади: ижтимоий ҳимоя

### Корхона модернизация қилинди

«Шўрчидонмахсулотлари» акциядорлик жамияти фаолияти кенгайтириш ҳисобига жорий йилда яна 150 нафар киши иш билан таъминланади.

Шўрчи туманидаги «Шўрчидонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида модернизация ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, банкдан олинган 7 миллиард 545 минг сўмлик кредит эвазига қўшимча иншоотлар бунёд этилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозир бу ерда 1000 нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланган.

— Жамиятда тумандаги йирик бошланғич таълим муассасаси мавжуд, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботир Раджабов. — Улар жамият, шунингдек, туман иқтисодий-ижтимоий фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Бу эса партиямизнинг голяларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлапти.

— Нон ишлаб чиқариш чеҳи эса кунига 50 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлди. Ўтган йили коллеж битирувчиларидан 140 нафарга яқини ишга қабул қилинган эди. Бу йил фаолиятимизни кенгайтириш эвазига 150 иш ўрни яратилди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ЎзХДП: устувор вазифалар

Бугун ижро ҳокимияти устидан вакиллик ҳокимиятининг назоратини кучайтириш, мамлакат ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар ролинини ошириш масаласи кун тартибига қатъий қилиб қўйилмоқда.

## Партия фаолиятини кучайтириш

### бўйича янги тажрибаларни оммалаштириш лозим

Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкилотлари етакчилари ва депутатлар ўз фаолиятига ҳолис баҳо бериб, зиммасидаги масъулиятни чуқурроқ англаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

ҳамда Самарқанд вилоят кенгаши ҳамкорликда ўтказган семинар ҳам танқидий-таҳлилий фикрлар асосида ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг навбатдаги устувор вазифалари муҳокама этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши

▶ Давоми 2-бетда.



## 2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кун

# Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли қитъада жойлашган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиб, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётган энг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиш истаги мустақилликдан олдин ушалмай келинаётган орзу эди. Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг 1991 йил июнда айтган қуйидаги сўзлари буни яққол тасдиқлайди: «Ўзбекистон келажакда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида БМТга аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу — халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи

барча эрксевар фуқароларнинг истагидир». Орадан кўп ўтмай, халқимизнинг бу тарихий орзуси амалга ошди. 1992 йилнинг 2 мартдан БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида мустақил Ўзбекистон миллий байроғи ҳилпирай бошлади. Ушбу кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммолар муҳокамаида ҳамда муҳим халқаро қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

▶ Давоми 3-бетда.

## ЖОРИЙ ЙИЛДА

ЎзХДП олдида турган энг устувор вазифа аҳоли бандлигини таъминлаш ишларида янада фаол иштирок этишдан иборат. Хусусан, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий имкониятларини таҳлил этиб, иш ўринлари ташкил қилиш бўйича муқобил таклифларни илгари суриши талаб этилади.

## Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

Ижтимоий масалалар билан боғлиқ муаммо ҳам, унинг ечими ҳам маҳаллада. Демак, биз маҳаллага катта эътибор қаратишимиз, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни изчил ўрганиб боришимиз керак.

⇒ 2

## «Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

### Дастурий мақсадлар ижроси

бизга ишонган ва суйанган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга



www.uzbekistonovozi.uz

## Нуқтаи назар

— Партиямиз дастурий мақсадларининг муҳим йўналишларидан бири — бу аҳоли бандлиги, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласидир. Ўтган йили мазкур масалани бир неча бор партия гуруҳимиз ва доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этидик.

Авваломбор, партия гуруҳимиз ҳамкор ташкилотлар билан бирга маҳаллаларда бўлиб, масалани чуқур ўрганди. Натижа шуни кўрсатдики, кўпгина оилалар паррандачилик ва хунармандчилик билан шуғулланар экан. Лекин талбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган. Амалда меҳнат билан бандлиги, етарли даромад топаётганига қарамастан, оила аъзоларининг бирортасига ҳам меҳнат дафтари юритилмаган. Демак, улар давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдалана олмапти.

Биз вазиятни мутохассислар билан биргаликда чуқур ўргангач, тушунтириш ишларини олиб бордик. Уй меҳнатининг қонуний шакллари билан шуғулланишининг афзал жиҳатлари, давлат томонидан уларга берилган имтиёз ва енгилликлар, хусусан, «Оилавий талбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб бе-

## Қаюмжон АДАНОВ,

ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:



ришпа ҳаракат қилдик.

Ҳозир расмий равишда оилавий талбиркорлик билан шуғулланаётганлар кўпая бошлади. Энг муҳими, бундай оила аъзоларига меҳнат дафтари ҳам очилди.

Таҳлилларга қараганда, мамлакатимизда кўпгина оилалар ўз хонадониде ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг қандайдир турлари билан шуғулланади. Демак, улар амалда ижтимоий фойдаланиш меҳнат билан банд. Фикримча, биз қўллаган тажрибани бошқа ҳудудларга ҳам кенг жорий этиш керак. Партиямиз бошланғич ташкилотлари ва туман кенгашилари ҳар бир ҳудудда бу масалага жиддий эътибор қаратса, бундан, аввало, айнан бизнинг электорат манфаат кўради. Яъни, уларнинг меҳнати расмийлашди, қонунларимиз билан берилган имтиёزلардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди, ижтимоий ҳимояси таъминланади. Энг муҳими, оилавий талбиркорлик ривожланиб, одамларнинг турмуш фаровонлиги янада ортади.

## Келгуси сонда:

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП партия гуруҳи аъзолари сайловчилар ишончини оқлаш, дастурий мақсадларимизни амалга ошириш борасида қандай натижаларга эришмоқда?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сониде ўқийсиз.







2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кун

# Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик



Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликка бўладиган таҳдидларга қарши курашиш, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, Орол денгизи фожиясининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалардир.

Шартнома 2009 йилнинг март ойидан кучга кирди. Шунингдек, БМТ ва Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Оролбўйидаги вазият деградациясининг олдини олиш ва Орол фожияси оқибатларини енгилаштириш бўйича тезкор чоралар қабул қилинди.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун шахсан Оролбўйи минтақасига ташриф буюрди. Унинг сўзларига кўра, кўрган манзаралари унда ўчмас таассурот қолдирди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида мустақил Ўзбекистоннинг тинчлик сиёсати ва унинг имкониятларини илк бор халқаро ҳам-жамиятга эълон қилди.

Шундан бери минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон БМТ билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Президентимиз Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу ҳақдаги шартнома 2006 йилнинг сентябрь ойида Семипатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61 ва 63-сессияларида Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилиги овози билан «Марказий Осиё ядро қуролидан холи худуд» Резолюцияси қабул қилинди ҳамда ушбу

Давом. Боши 1-бетда.

Давлат бюджети харажатларининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун сарфланаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, экспертлари ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан юксак баҳоланди. Чунки ундаги фикрлар ҳамда илгари сурилган гоғлар ҳамда ушбу муаммоларнинг самарали ечимлари билан боғлиқ бўлди.

Давлатимиз раҳбари мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон дунёнинг энг тавшишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммоси бўлиб, 30 йилдан буён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар қутилган натижа билан бергани йўқ. Бу эса афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаганини янада яққолроқ кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди. Мана, йигирма икки йилдирки, мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг БМТ доирасида глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этиш юзасидан кўтариб чиққан ташаббуслари кўплаб ижобий саъй-ҳаракатларнинг бошланишига асос бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўз сўзи ва ўрни борлигини яққол кўрсатиб турибди.

**Абдуғаффор ҚИРГИЗБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

дарёларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, улардан оқилон ва адолатли тарзда фойдаланишга мажбур эканини уқтиради.

Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг қатор ихтисослашган ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК), Савдо ва ри-

ний ҳаётида фаол иштирок этипти. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, буюк ўтмишимиз билан боғлиқ тарихий саналарнинг ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланиб келинаётгани ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва нуфузини янада оширмоқда.

Ўзбекистон БМТ ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини муҳофазаси қилиш соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда давлатимиз 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат билан бирга, олти асосий битимга қўшилди. Мамлакатимизда ушбу ҳужжатлар доирасида ўзининг халқаро мажбуриятларини из-

## Ўзбекистон БМТ ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини муҳофазаси қилиш соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда давлатимиз 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат билан бирга, олти асосий битимга қўшилди.

вожланиш бўйича конференцияси гуруҳи каби ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораёпти.

Айниқса, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этипти. «Уруш гоғлари инсон онгида пайдо бўлади, шу боис инсон онгида тинчлик гоғларини шакллантириш лозим», — дейилади ЮНЕСКОнинг таъсис Низомиди. Ушбу олий мақсаддан келиб чиқиб, мазкур ташкилот дунё мамлакатларида фан, таълим, маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш орқали инсоният тараққиётига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз каби кўна шаҳарлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ёдгорликлар рўйхатида киритилган. Ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилмоқда. ЮНЕСКО мамлакатимиз мада-

# Суд тизимида замонавий ахборот технологиялари

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг самараси ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофазаси қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазиirlар Мақамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори судлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдан кўзланган мақсад фуқаролик ишларини судларда

шаблонлар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвими жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни ўз ичига олади. Келажакда суд жараёнларини аудио ва видео воситалари орқали ёзиб олиш, уларда масофадан иштирок этиш каби қўшимча тизимлар ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган.

2013 йил ноябрь ойидан бошлаб «E-SUD» ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб тўрт мингдан ортиқ суд бўйруғи бериш ҳақидаги ариза мазкур тизим орқали судга келиб тушди. Улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилди.


Давра суҳбатида «E-SUD» ахборот тизимини синовдан ўтказиш натижалари, бу борада тўпланган тажриба ва уни кенг қўламда жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Муларга суд хабарномаларини ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали жўнатиш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган



боис тизимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар ечими долзарб аҳамиятга молик. Жумладан, судьялар, суд ходимлари ва фуқароларнинг ахборот тизимидан фойдаланишга оид малакасини ошириш, интернет тармоғида шахсни тасдиқлаш механизмларини такомиллаштириш, мобил алоқа воситалари ҳамда электрон манзилларга суд хабарномаларини жўнатишни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Шунингдек, тадбирда фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган даъво талабларини тизимлаштириш кераклиги ҳам муҳокама қилинди. Боиси, даъво талабларини тизимлаштириш даъво аризаларда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар рўйхатини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Барча маълумотлар тўлиқ кўрсатилган даъво аризалари эса судда ушбу ариза-

## Тишни қандай ва неча марта



### ювган маъқул?

Бугунги кунда кўпчилик эрталаб ва кечқурун тиш ювиш лозим, деган фикрда. Бу фикр мутахассисларга ҳам маъқул. Аммо барибир бу борадаги мунозаралар ҳануз давом этмоқда: айримлар фақат эрталабки тозалов етарли деб ҳисоблашади, айримлар ҳар овқатлангандан сўнг, албатта, тиш ювиш лозим деган ақидага таянмоқда.

Хўш, қайси бири тўғри? Москва давлат тиббий-стоматология университетининг кафедра мудири Ирина Кузминанинг «Мир новостей» ҳафталиги мухбирига берган интервьюсида тавсия этишича, бир кунда икки марта тиш ювиш етарли. Фақат парадонтигга чалинганларгагина бир кунда уч бора тиш ювиш тавсия қилинади. Ле-



## Дарс қолдирдим



### ота-она жавобгар

Мактаб ўқувчиларининг дарс қолдириши барча мамлакатларда салбий ҳолат, дея баҳоланади. Хусусан, Германияда ҳам. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу мамлакатда дарс қолдирган ўқувчиларнинг ота-оналари жазога тортилади.

Германия меҳнат вазирлиги вакилининг айтишича, мамлакатда иқтисодий бўладими, ижтимоий-сиёсий бўладими, турли муаммоларнинг юзга келиши ҳам бир вақтлар мак-

таблардаги назоратсизликнинг асоратларига бориб тақалади. «Дарс қолдириш ёшлар орасида жиноятчилик ортишига ёки турли муаммолар гирдобининг кенгайишига омил бўлувчи сабаблардир, — дейди вазирлик вакили. — Бундан буён мактаб-полиция-ижтимоий хизматлар-оила ҳамкорлигини янада кучайтириш, болалар тарбияси билан ҳар томонлама шуғулланиш, уларнинг доимий назорат қилиб бориш лозим».

Германия ўқувчилар иттифоқининг маълумотларига қараганда, мамлакатда 11,4 миллиондан зиёд ўқувчи мавжуд бўлса, уларнинг маълум қисми бесабаб дарс қолдириши кузатишмоқда. Қонуний чораларни янада қатъийлаштириш эса ушбу ҳолатни яхшилашга хизмат қилишига умид билдирилмоқда.

## Эмлашнинг янги усули



### танага умуман сезилмайди

Саломатликни тиклаш учун бироз оғриқли бўлса-да, уколларга чидаймиз ва уколнинг оғриқсиз тури йўқмикин, дея хаёл қиламиз. Эндликда бу хаёлимиз реал воқеликка айланади.

Гап шундаки, жанубий кореялик олимлар инъекцияни танага шприцда эмас, балки лазер-

да жўнатувчи аппарат яратдилар.

«Lika.info» нашри хабар беришича, бу аппаратда қилинган уколлар этни оғрийтиш у ёқда тўрсин, танага умуман сезилмайди. Бундан ташқари, лазерли аэромассажи инъекторининг афзаллиги шундан иборатки, у укол қилинадиган жойга аниқ дозада инъекция юборади. Шифкор фақат доза микдорини олдиндан белгилайди ва укол чуқурлигини назорат қилади холос.

Ҳайвонларда ўтказилган тажриба натижалари муваффақиятли кечди. Укол инъекцияси тери остига бир неча миллиметр чуқурликка ботган ва тери умуман зарарланмаган.

## «Қора қути»



### автомобилларга ўрнатилди

Бирор-бир самолёт ҳалокатга йўлиқса, албатта, унинг «қора қути»си изланади. Негаки, шу қути фалокат сабабларини аниқлашга катта ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан АҚШ Автомобиль ҳаракати хавфсиз-

лиги миллий бошқармаси («NHTSA») мамлакатдаги машиналарга «қора қути» — автомобиль ҳаракатланаётган пайтдаги маълумотларни ёзиб боровчи ускуна ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилганига ҳам анча бўлди. Унга кўра, 2015 йилгача мамлакатда сотиладиган барча машиналарга «қора қути»лар ўрнатилиши шарт.

«NHTSA» мутахассисларининг сўзларига қараганда, бу «қора қути»ларнинг алоҳида фойдали жиҳати шуки, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган пайтда бу ҳақдаги хабарни автоматик равишда махсус тезкор хизматларга юборади.

## Тишни қандай ва неча марта



### ювган маъқул?

Бугунги кунда кўпчилик эрталаб ва кечқурун тиш ювиш лозим, деган фикрда. Бу фикр мутахассисларга ҳам маъқул. Аммо барибир бу борадаги мунозаралар ҳануз давом этмоқда: айримлар фақат эрталабки тозалов етарли деб ҳисоблашади, айримлар ҳар овқатлангандан сўнг, албатта, тиш ювиш лозим деган ақидага таянмоқда.

Хўш, қайси бири тўғри? Москва давлат тиббий-стоматология университетининг кафедра мудири Ирина Кузминанинг «Мир новостей» ҳафталиги мухбирига берган интервьюсида тавсия этишича, бир кунда икки марта тиш ювиш етарли. Фақат парадонтигга чалинганларгагина бир кунда уч бора тиш ювиш тавсия қилинади. Ле-

кин овқатдан кейин эмас. Овқатдан сўнг тишни шунчаки чайиш лозим.

Тиш чўтқаси билан ҳадеб ювавериш биоценоз циклини бузиши мумкин ва оғиз бўшлиғида дисбактериоз ривожланишига замин яратади.

Тиш ювиш қанча вақт давом этгани маъқул, деган савол ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Мутахассисларнинг айтишларича, тиш ювиш камиди икки дақиқа давом этиши шарт.

Тиш чўтқасини эса ҳар уч ойда янгилаб туриш ҳам гигиена вақти ривожланишига замин яратади.

Тиш чўтқасининг «тиш»лари 2-2,5 сантиметрдан қисқа бўлмалиги лозим.

Кейинги пайтларда интернетда «Тиш оппоқ ва чиройли, касалликлардан холи бўлсин, десаңгиз тиш пастасига озиқ-овқат содаси қўшиб, тиш ювинг» каби тавсиялар ҳам учрамоқда. Мутахассислар бу тавсия фойдадан ироқ эканлигини таъкидлашмоқда. Сода милкка ёмон таъбир кўрсатади.

Тиш эмали нафақат энг қаттиқ, балки қайта тикланмайди янада организм ҳамдир. Шундай экан уни асраш ҳар биримизнинг саломатлигимиз учун зарур.

**Н.АБДУРАИМОВА, Ўза мухбири.**



От — йигитнинг қаноти

# «От йили»нинг манзур ва мансур ҳикоялари

Қадимий диний ривоятда айтилишича, Тангри Таоло томонидан отлар одамзод дунёга келмасдан бир кун аввал, яъни пайшанба кuni яратилган экан. Гўзал ва бетакрор, гоят хушбичим ва бақувват қилиб яратилган отлар дастлаб дапту саҳроларда одамзодга бўйсунмай, ёввойи ҳолада яшаган. Ҳақ таоло имлоди билан қай бир замондан бери отлар одам боласига яқин ва ҳамкор бўлиб келмоқда.

## Отлар ва улуг чавандозлар

Азал-азалдан ер шарининг отлар ва одамлар яшайдиган барча ҳудудларида афсона ва ривоят тарзида халқ оғзаки ижоди, ёзма манбаларда етарлича маълумотлар бор. Бизнинг кўҳна Шарқда эса уларнинг салмоғи анчайин залворли. Дунё халқларининг эртақ, афсона-ривоят, дoston ва эпосларида яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қилишида қаҳрамонлар қаторида тулпор отларнинг ҳам ёнма-ён тасвирланиши уларга бўлган қизиқиш ва этиборни янада кучайтиради. Афсонавий илҳом париси Пегас ҳам қаноти от тарзида ифода этилган.

Ўзбек халқ эпосларида «Гўрўғли», «Авазхон», «Алломиш» дostonларидаги Ғирот, Бойчиборлар халқнинг азалий орзу-армонларини рўёбга чиқарган баҳодирларга қанот бўлгани, ҳар қандай оғир дамда кўмак бериб, душманнинг адолатсизлиги ва ёвузлиги устидан ғалаба қозонишда қалчон бўлгани бор гап. Халқ бахшиларининг от мактовини қойилмақом, тингловчининг кўн-

лини тоғ қадар юксалтирадиган жонбахш каби дўмбира оҳангида куйлаб турганини бир эсланг.

Утган асрнинг 50-60 йилларида Форш туманида машҳур бўлган Ҳўжамқул полвон минган Қизилот ҳамма отдан икки карра зиёд ва кучли бўлгани бор гап. Каттасойлик (Форш тумани) Курбон полвон минган «Васка», китоблик Файзулла полвон минган Саман от, чироччилик Жамолхон минган Тўриқ қашқа, буз отлар ўз устидаги полвоннинг мурод-мақсадини англаб етган, тўда орасидан чўқкалаб бўлса-да, улоқ олишга ёрдамлашиб, маррага интилишида от билан полвоннинг жисми-жони бирлашиб, юраклар зарби ҳам бирдай бўлиб тенглашганда голиблик шохсупасига чиқилган. Номдор чавандозлар отга беҳуда қамчи босмайди. Яхши отга бир қамчи қояр, деган нақл шундан қолган.

Байловдаги отларга кўпинча аёллар қарайди. Аёл она эканилиги, оналар эса ҳаммиса меҳрибон бўлишини от яхши англайди. Кўп учратганман: чавандоз вафот этганда унинг

отини таъзия кuni эгар-жаб-дуқлаб кўядилар. Одамлар кўз ёш тўкаётганда от бечора ҳам юм-юм йиғлаб турганини кўрганмиз. Қариб ёки касаллашиб жони узилаётган отнинг бўйнига ўз эгаси ҳеч қачон пичоқ торта олмайди. Пиширган гўштини емайди ҳам. От ва инсон дўстлиги азалий ва абадий. Бу ҳақда китобда ҳам, ҳаётда ҳам ибратли сабоқлар бисёр.

## Отлар қавш қайтарадими?

Саволни бу тарзда қўйиб бир қараганда ноўрин туюлади. Сабаби, отларнинг овқат ҳазм қилиш органи қорамол ёки қўй-эчкиникидай эмас, балки одамзодникига ўхшайди. Бас, шундай экан, отларнинг қавш қайтариши ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Бу реаллики ҳайвоншунослик фани ҳам тўла-тўқис тасдиқлайди. Бирок ҳаётда-чи? Ўсимирлик пайтимизда отамиз Тўриқ қашқа от минган, унга онамиз ҳам, отамиз ҳам бирдай қарарди. Бир кuni падаримиз айтиб қолди:

— Бу ҳодисани сизларга айтётганим шуки, мабодо тун-



(ЎЗА) олган сурат.

От билан чавандознинг жисми-жони бирлашиб, юраклар зарби ҳам бирдай бўлиб тенглашганда...

да Тўриқ қашқани хунук ҳолатда кўриб қолсангиз, сира кўрқманлар, агар кўрсангиз касал бўлиб қолишингиз мумкин. Мен аввал эшитганим учун кечаги ҳодисани кўриб сесканмадим, мана солпа-соғ юрибман. Кеча ярим тунда сомонхондан бир кучоқ ха-шақ олиб, отга бермоқчи бўлиб эшикни очдим. Не кўз билан кўрайки, отимиз оғил тўрида худди итга ўхшаб кети билан ўтириб олган. Икки кўзи пиледадай каттариб кетган, кўкиш нур сочади. Оғзини катта очиб қавш қайтармоқда. Оғина сескандим-у, ўзимни босиб индамай изимга қайтдим. Чунки баъзи отларни онда-сонда шундай ҳолатда бўлишини аввал ҳам эшитганим. Энди эса ўз кўзим билан кўрдим. Сиз кўриб қолсангиз ҳам, сира кўрқманг, — деб

тайинлади. Шу-шу бу ҳодисага қизиқиб қолдим. Айти бяхорда ама-кимизнинг жийрон қашқасини тоққа миниб чиқиб, сойда оғайнилар билан дам олдик. Саҳаргача гулхан атрофида мазаза қилиб суҳбат қурдик. Тонг бўзара бошлаганда отни жилдириб қўймоқчи бўлиб, у томон юрдим. Қарасам, яланғоч от худди бўйноқ итими каби ўтириб оlib, қавш қайтармоқда. Кўзлари қақчайиб ёниб турарди. Индамай ортимга қайтдим. Ҳамроҳларимга айтмадим ҳам. Тонгга яқин ухлаб қолиб, кун ёйилиб кетганда ўрнимдан туриб қарасам, от бамайилхотир ўтлаб юрибди. Мен отни, ҳамроҳларим эшакларини эгарлаб миниб, тоғ ортга ўтиб кетдик. Бу ҳодисани мендан бошқа одамлар ҳам кўп

кўрган. Баъзилар кўрқанидан касал ҳам бўлиб қолган. Отнинг деви чалиб кетибди, деган гап шунга ишора. Кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳи олимлари билан ҳам суҳбатлашдим. Улар бу ҳақда фанда ҳеч нарса маълум эмаслиги, одамлар кўриб-қузатган бу ҳодиса отлардаги бирор касаллик туйғайли юз бериши мумкинлигини айтишди.

Бизни ўқиган газетхонлар орасида ҳам бу ҳодисани кўриб-қузатганлар бўлиши мумкин. Акс-садо бўлса, янаям яхши.

От — инсоннинг яқин дўсти. Бунинг исбот қилиш шарт эмас. «От йили»да от минган йигитларнинг муродини ўзи берсин!..

Ғози РАҲМОН,  
Чирчиқ шаҳри.

## Спорт

### Денис Истомин чорак финалда тўхтади

Ҳамюртимиз Денис Истомин Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилаётган «Dubai Duty Free Tennis Championships» халқаро турнирининг жуфтликлар баҳсида чорак финалга чиқди.

Мукофот жамғармаси 1.928.340 АКШ доллари бўлган мазкур турнирда ҳамюртимиз хиндистонлик Махеш Бхупати билан биргаликда биринчи босқичда Оливер Марах/Флорин Мергя (Австрия/Руминия) жуфтлигини 4-6, 6-3, 16-14 ҳисобида мағлуб этишди.

Мусобақанинг чорак финалида Истомин/Бхупати жуфтлиги ярим финал йўлланмаси учун Роҳан Бопанна/Айсам-ал-Ҳақ Қурайши (Хиндистон/Покистон) билан баҳс олиб борди. Афсуски, ҳамюртимиз жуфтлигига бу сафар омад етишмади.

### Терма жамоа йиғини бошланди

27 февраль кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё Кубоги саралаш мусобақаси сўнги турида БАА терма жамоасига қарши кечадагиган ўйин олдидан Тошкентда йиғин бошланди.

Миржалол Қосимов ушбу йиғинга қуйилган футболчиларни таклиф этган:

**Дарвозабонлар:** Мурод Зухуров («Бунёдкор»), Игнатий Нестеров («Локомотив»), Элдор Сунонов («Насф»).  
**Ҳимоячилар:**

Виталий Денисов («Локомотив», Москва), Ислам Тўхтақўжаев («Локомотив»), Шавкат Муллажонов («Олмалиқ»), Анзур Исмоилов («Чангчун Ятай», Хитой), Егор Кримец («Пахтакор»), Акмал Шорамедов («Бунёдкор»), Даврон Ҳошимов («Пахтакор»).  
**Ярим ҳимоячилар:**

Сардор Рашидов («Бунёдкор»), Фозил Мусаев («Локомотив»), Жасур Ҳасанов («Локомотив»), Владимир Козак («Пахтакор»), Одил Аҳмедов («Анжи», Россия), Азиз Ҳайдаров («Ал Шабаб», БАА), Жамшид Искандеров («Пахтакор»), Санжар Турсунов («Ворскла», Украина), Сервер Жепаров («Сёнгам», Жанубий Корея).  
**Ҳужумчилар:**

Баҳодир Насимов («Нефтичи», Озарбайжон), Воҳид Шодиев («Бунёдкор»), Иван Нагаев («Локомотив»), Игорь Сергеев («Пахтакор»), Шохбоз САИДОВ, ЎЗМУ Таласи.

## Хотира — муқаддас

### Эл эъзозидagi шоир

Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб Зағиота маънавий хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида «Биз бахтли бўламиз» номли маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.



Унда туман ҳокимлиги вакиллари, шоирлар, коллежининг фахрий устоз-мураббийлари ва талабалар иштирок этди. Саҳнада янграган жўшқин мушоира, шоир ижодидан ўқилган дилрабо шеърлар иштирокчиларда

катта таассурот уйғотди. Шунингдек, коллеж ўқувчилари орасида ўтказилган Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақидаги ёнма-ён ишро, энг яхши ижодий ишлар учун фахрий ёриқлар топширилди. Коллежимизда асосан

молия, иқтисод, маънавий техникаларни таъмирлаш, радио ва телеаппаратуралар, автомобиль ҳамда компьютер ва офис жиҳозларини таъмирловчи мутахассислар тайёрланади, — дейди коллеж директори, ЎзДХП аъзоси Саодат Усмонова.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфни хотирлаш ва шу билан биргаликда ўқувчиларимизда хотира, қадр туйғуларини шакллантириш, маънавийтини юксалтиришдан иборатдир.

— Бугунги тадбир менда жуда катта таассурот қолдирди, — деди компьютер технологиялари гуруҳи 2-курс ўқувчиси Азамат Мирзахматов. — Тадбир давомида севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган расмлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Мен бу танловда биринчи ўринни эгалладим.

Басандобуно ЖАЛИЛОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Кўргазма

Пойтахтимиздаги Камолиддин Беҳзод бог-музеида «Соғлом бола йили» давлат дастурига бағишланган тасвирий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди.

### «Беҳзод ворислари»

«Беҳзод ворислари» деб номланган бу кўргазмада Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидagi Республика иттиҳослаштирилган санъат мактаб-интернатининг тўрт нафар ўқувчиси саксонга яқин ижод намуналари билан иштирок этди.

— Табиатнинг ўзига хос бўлган фасллари ва гўзал манзаралари мени ижод қилишга ундайди, — дейди ёш расм Соҳиб Содиқова. — Шу боис асарларимда ёрқин ранглар билан тасвирланган борлиқ ва унинг бетакрор мўъжизалари акс этган. Бугун кўргазмада тасвирий санъатнинг натурморт, графика ва манзара жанрларида яратилган «Бола ва тарвуз», «Уйимиз ортидаги кўча», «Аллегория», «Қапалак ва гул» ҳамда «Дарахт ва кушлар» каби асарларим билан қатнашялман.

— Бугунги кунда даргоҳимизда мусиқа ва расмчилик, тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, мойбўёқ ва дизайн каби 7 йўналиш бўйича жами 607 нафар ўқувчи таълим олмақда, — дейди Республика иттиҳослаштирилган санъат мактаб-интернати расмчилик бўлими бошлиғи Зафар Зуфаров. — Ёш расмларимизга Муассар Игамова, Назира Аучиева ва Татьяна Гончарова каби юқори маънавий ўқитувчилар сабоқ беради.

Ферузобуно НАБИЕВА,  
ЎзДХТУ магистранти.

## Бадминтон

### Чемпионат голибларини халқаро турнирлар кутмоқда

Тошкентда профессионал бадминтончилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерацияси томонидан ўтказилаётган мазкур чемпионатда республикамизнинг тўққиз вилояти ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этмоқда.

Мусобақалар эркаклар ва аёллар ўртасида яққалик, сўнгра жуфтлик ва аралаш тартибда ўтказилмоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, бу спорт тури дунёда кенг ривожланган. Бадминтон олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт тури ҳисобланади. 1992 йилда илк бор ёзги олимпия ўйинларида бадминтон мусобақалари ўтказилган.

Ўзбекистон бадминтон федерацияси 2011 йил август ойида тузилган. Уша йили сентябрь ойида миллий федерациямиз Халқ-

аро бадминтон федерацияси ва Осиё бадминтон конфедерациясига аъзо бўлди.

Утган қисқа давр мобайнида республика миқоқлари ва Тошкент шаҳрида бадминтон майдонлари ва марказлари ишга туширилди. Тошкент шаҳрида замонавий бадминтон мажмуаси қурилиши яқунламоқда.

— Бугунги кунда республикамизда 20 минг нафардан ортиқ киши бадминтон билан шуғулланмоқда. Мақсадимиз — қиъталаро ва халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиш ҳамда 2016 йилда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма олишидир, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, мусобақа бош ҳаками Олег Саватогин.

Чемпионат 2 мартда якунланади. Голиблар ва совриндорлар шу йил апрель ойида Жанубий Кореянинг Кимчхон шаҳрида ўтказилган йирик халқаро турнирда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Дилдора ШОМИРЗАЕВА

### «ЎЗВИНОСНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00дан 18.00гача.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.  
Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

### «ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

компьютер технологиялари ва дастурларини мукамал биладиган, инглиз ва рус тилларида эркин муомала қила оладиган мутахассисларни ишга таклиф этади.

Маълумот учун телефон: 239-46-24

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZI KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

г — 360  
21622  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 21.05  
Topshirilgan vaqti — 01.00  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
Temur XUDOYBERDIYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

